# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● www.xs.uz ● E-mail: info@xs.uz ● 2019 йил 30 май, № 110 (7340) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ГЕРМАНИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШРИФИ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер мамлакатимизга расмий ташрифи доирасида 29 май куни Хоразм вилоятига келди.

Олий мартабали меҳмон рафиқаси ҳамроҳлигида Урганч давлат университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистонда таълим тизимига қаратилаётган эътибор, ёшларнинг жаҳон андозалари даражасида замонавий билим ва касб-ҳунар эгаллаши, жисмонан ва маънан етук бўлиб улғайиши, уларнинг қобилият ва истеъдодини юзага чиқариш, қалбида Ватанга садоқат ва фидойилик туйғусини юксалтириш борасида улкан ишлар амалга оширилаётгани қайд этилди.

— Ёшлари фаол мамлакатнинг келажаги буюк бўлади, — деди Франк-Вальтер Штайнмайер суҳбат чоғида. — Қаршимдаги ёшларнинг кўзидаги шижоатни кўриб, Ўзбекистон ҳақида ҳам ишонч билан шу фикрни айта оламан. Бу ёшлар билан нафақат халқингиз, балки биз ҳам фахрлансак арзийди — улар соф немис тилида гапиряпти. Ўз фикрини равон ифода қиляпти.

Куннинг иккинчи ярмида ГФР Президенти Хива шаҳрининг тарихий обидаларини томоша қилди.

Қадимий Ичан қалъа кўп асрлик тарихга эга. Бу ердаги меъморликнинг ноёб анъаналарини ўзида мужассам этган кўплаб обидалар шаҳарнинг асрлар давомидаги ривожланиш тарихидан ҳикоя қилади.

Меҳмонлар Кўҳна арк, Паҳлавон Маҳмуд мажмуалари, Қози Калон мадрасаси, Калта минор ва бошқа обидалар билан танишди.

Хива асрлар оша нафақат савдо-сотиқ, балки маданиятлар ва динлараро мулоқот маркази ҳам бўлиб келган. Хусусан, XIX асрда тақдир тақозоси билан бу ерга келиб қолган немис меннонитлари ҳам Хоразм тарихидан ўрин олган. Улар яшаган ҳудудлар ўзига хос ҳунармандлик ва савдо маркази сифатида равнақ топган.

Меннонитлар тарихи билан бугун Ичан қалъа ҳудудида ташкил этилган "Оқмасжидлик меннонитлар" музейида танишиш мумкин.

— Ўзбекистон — бетакрор диёр. Қадим Хива мисолида бу заминнинг асрий урф-одатлари, меҳмондўст халқи ҳақида кўп-кўп маълумотларга эга бўлдик. Немис меннонитларининг бу ерда ҳаёт кечириши учун яратилган шароит ҳақида сўзлаб беришди. Ўша кезларда турли миллат ва динга мансуб, турфа турмуш тарзига эга инсонларнинг аҳил ҳаёт кечиргани бугунги авлодлар учун гўзал ўрнакдир, — деди Франк-Вальтер Штайнмайер.

Шу билан Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг мамлакатимизга расмий ташрифи ниҳоясига етди. Ушбу ташриф, унинг доирасида эришилган келишувлар мамлакатларимизнинг ўзаро ишонч ва дўстлик руҳидаги муносабатлари ҳар томонлама мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради.

**Улуғбек ШОНАЗАРОВ,**
**Аҳмаджон ШОКИРОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**

## РОССИЯ ҲУКУМАТИ РАҲБАРИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Россия Федерацияси Ҳукумати раҳбари Дмитрий Медведев бошчилигидаги делегация 29 май куни мамлакатимизга ташриф буюрди.

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида юқори мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов кутиб олди.

Қисқа суҳбатдан сўнг Россия делегацияси ўзи учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

Россия Федерацияси Ҳукумати раҳбари 30 май куни Урганч шаҳрида Ҳукумат раҳбарлари даражасидаги Ўзбекистон — Россия қўшма комиссиясининг биринчи йиғилишида иштирок этади.

Йиғилиш якунида қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

Қўшма комиссия йиғилиши мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг янги шакли бўлиб, унга 2018 йил октябрь ойида Россия Президенти Владимир Путиннинг мамлакатимизга давлат ташрифи ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан ўтказилган олий даражадаги музокаралар чоғида асос солинган.

**ЎзА.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЎҚУВ-ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, маънавий-ахлоқий, жисмонан етук, ватанпарвар, миллий анъана ва қадриятларимизга садоқатли ёшларни вояга етказиш, уларни амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг фаол ва жонкуяр иштирокчисига айлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларининг ушбу жараёндаги иштироки, шунингдек, жисмонан ва руҳан соғлом шахсни тарбиялаш, болаларда меҳнатсеварлик ва комилликка интилиш туйғуларини шакллантиришдаги фаолиятини янада такомиллаштиришни талаб этади.

Вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштиришда уларнинг ижтимоий ҳолати, шахсий хислатлари, содир этган қилмишининг хавфлилик даражасини тўлиқ ва тўғри баҳолаш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидаги бугунги ҳолат ўқув жараёнини давлат таълим стандартлари асосида сифатли ташкил этиш, ўқитувчи, тарбиячи, психолог ва бошқа ходимларнинг тарбияланувчиларга таълим бериш, уларга касб-ҳунар ўргатиш борасидаги кўникма ва малакаларини оширишни тақозо этади.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, алоҳида шароитларда тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож бўлган ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлигининг Бахт шаҳридаги ўғил болалар махсус коллежи, Қўқон шаҳридаги махсус енгил саноат коллежи, Самарқанд шаҳридаги 64-сонли ўғил болалар мактаб-интернати ва Чиноз туманидаги 5-сонли қиз болалар мактаб-интернатининг негизида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурида **Республика ўғил болалар ўқув-тарбия муассасаси ҳамда Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасасини (кейинги ўринларда — Республика ўқув-тарбия муассасалари) ташкил этиш** тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасаси Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Гулзоробод маҳалласи манзилида;

Республика ўғил болалар ўқув-тарбия муассасаси Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани, Бахт шаҳри, Тадбиркор маҳалласи манзилида жойлаштирилсин.

3. Қуйидагилар:

Республика ўғил болалар ўқув-тарбия муассасаси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясига;

Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига бириктирилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Ички ишлар вазирлиги тегишинча Республика ўғил болалар ўқув-тарбия муассасаси ҳамда Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасасининг ўз вақтида тўлиқ таъминоти ва маиший шарт-шароитлари яхшиланишига кўмаклашиш, ушбу муассасаларда маънавий-маърифий ишларнинг замонавий усул ва шаклларидан фойдаланилган ҳолда соғлом ва жисмонан бақувват, руҳан тетик, билимли, ватанпарвар, фидойи, дунёқараши кенг ёшларни шакллантириш, тарбияланувчиларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга;

(Давоми 2-бетда).

## ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2019 ЙИЛ БИРИНЧИ ЧОРАГИДАГИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ



### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2019 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқдилар.*

Тақдим этилган ҳисобот палатанинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасида, сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Экоҳаракат депутатлар гуруҳи, парламент қўмиталарининг мажлисларида дастлабки тарзда кўриб чиқилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2019 йил биринчи чорагидаги ижроси юзасидан ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси молия вазири ўринбосари Ёрқин Турсунов тақдим этди.

Йиғилишда таъкидланганидек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларини тубдан ривожлантириш бўйича олиб борилган ислоҳотлар ижроси 2019 йил биринчи чораги давомида иқтисодиётнинг барқарор, мувозанатлаштирилган ҳолда ривожланиши ҳамда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлади.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2019 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқиш давомида депутатлар Давлат бюджети даромадларининг шаклланиши ва харажатларининг сарфланиши ҳолатини таҳлил қилдилар. Унга кўра, жорий йилнинг 1-чорагида Давлат бюджети даромадлари 23 триллион 65,9 миллиард сўмни ташкил қилди ва ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 62,9 фоиз ўсди ҳамда белгиланган 21 триллион 123,6 миллиард сўм режа 1 942,3 миллиард сўмга ортиғи билан ёки 109,2 фоиз бажарилган. Ўз навбатида, Давлат бюджети даромадларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 25,3 фоизни ташкил қилган.

Ҳисобот даврида харажатларнинг ижтимоий йўналтирилгани сақлаб қолинди. Давлат бюджетининг барча даражасида мутаносибликни таъминлаш, саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳисобига маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлаш, бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш, Президент ва Ҳукумат томонидан белгиланган вазифаларни бажариш Давлат бюджети ижросининг устувор йўналишлари бўлди.

➡ 2

## ДУНЁ НИГОҲИ

## «Ўзбекистон барча учун очиқ»

### деб ёзилмоқда Германия оммавий ахборот воситаларида

*Шу кунларда немис ОАВнинг диққат-эътибори Ўзбекистонга қаратилган. Бу ГФР Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг мамлакатимизга расмий ташрифи билан боғлиқ.*

Deutschlandfunk

**"Deutschlandfunk" радиоси** сайтида Тилько Грисниннг "Ўзбекистон инвесторларни фаол изламоқда" сарлавҳали мақоласи жойлаштирилди. Унда мамлакатимизнинг савдо-иқтисодий, инвестициявий ва қишлоқ хўжалиги салоҳияти ҳақида ҳикоя қилинади.

Муаллиф маҳаллий навли мевалардан шарбат ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Agromir" компанияси фаолиятига тўхталиб ўтади. "Компанияда 1200 дан ортиқ кишилар меҳнат қилмоқда. Улар қарийб тўрт гектарлик майдонда ўзлари мева етиштириб, шарбат ҳамда бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаряпти", деб ёзади у.

Немис журналистининг сўзларига кўра, компания хориж инвесторлари билан ҳамкорлик қилишга тайёр. "Сармоя киритишни истайдиган чет эл компаниялари бугунги кунда, хусусан, солиқлардан озод этиш, имтиёзли шартларда ер майдонлари ажратиш йўли билан кенг қўллаб-қувватланяпти", дея тўхталиб ўтади Т. Грис.

Журналистнинг қайд этишича, Ўзбекистон барча учун очиқ ва мамлакатга кўплаб халқаро экспертлар, ишбилармонлар ҳамда сайёҳлар ташриф буюрмоқда.




**"Зюддойче цайтунг" газетаси**да Президент Франк-Вальтер Штайнмайер Ўзбекистонга ташрифи чоғида мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларни олқишлагани ҳақида ёзилган.

➡ 3

## ЯНГИЛАНИШЛАР ОДАМЛАРНИНГ ТУРМУШИ, ФИКРИ, ДУНЁҚАРАШИНИ ЎЗГАРТИРМОҚДА

**Қуйи Чирчиқ — пойтахт вилоятининг чекка туманларидан бири. Ўз номига монанд равишда у Чирчиқ дарёсининг қуйи қисмида, Сирдарё соҳилларида жойлашган. 2019 йили туман аҳолиси ҳаётида туб бурилишлар йили бўлмоқда, дейишга барча асос бор.**



### Беш ташаббус — амалда



*Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Қуйи Чирчиқ туманида ташкил этилган "Tashkent Cotton Textile cluster" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги корхонага пахта хом ашёси, бошоқли дон, чорвачилик ҳамда балиқчилик маҳсулотлари етиштиришни ташкил этиш учун доимий эгалик қилиш ҳамда фойдаланиш ҳуқуқи билан 35,4 минг гектар суғориладиган ер ва 3,1 минг гектар балиқчилик кўллари ажратиб берилди. Бундан бир неча мақсад кўзда тутилди. Таркибий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг самарали усулларини жорий қилиш, юқори қўшилган қийматли, рақобатдош маҳсулотларни чуқур қайта ишлашни ташкиллаштириш, аграр секторда иш унумдорлиги ва меҳнатга ҳақ тўлашни ошириш шулар жумласидандир.*



➡ 4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЎҚУВ-ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика ўқув-тарбия муассасаларида сифатли тарбия ва таълим жараёнини йўлга қўйиш, тарбияланувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларнинг интеллектуал, жисмоний ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга масъул ҳисобланади.

4. Белгилансинки:

а) Республика ўқув-тарбия муассасаларига 14 ёшга тўлган ва 18 ёшдан ошмаган вояга етмаганлар жойлаштирилади;

б) Республика ўқув-тарбия муассасаларига қуйидагилар:

ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган ёхуд руҳий касаллик билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланишда ўз ёшига нисбатан орқада қолиши оқибатида содир этган қилмишининг аҳамиятини тўлиқ англаб етишга қодир бўлмаган;

айблилиги тўғрисидаги масала ҳал қилинмай туриб жиноий жавобгарликдан озод қилинган, материаллар вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга кўриб чиқиш учун топширилган бўлса;

Республика ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш тариқасидаги мажбурлов чораси қўлланилган ҳолда жиноий жазодан озод қилинган вояга етмаганлар;

якка тартибдаги профилактика иши олиб борилаётганлигига қарамай мунтазам равишда ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир қилишни давом эттираётган вояга етмаганлар суд қарори асосида жойлаштирилади;

в) 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб:

мазкур банднинг «б» кичик бандида кўрсатилган вояга етмаганлар фақат Республика ўқув-тарбия муассасаларига ўқишга қабул қилинади;

Қўқон шаҳридаги махсус енгил саноат коллежи ва Самарқанд шаҳридаги 64-сонли ўғил болалар мактаб-интернатига вояга етмаганларни қабул қилиш тўхтатилади;

Қўқон шаҳридаги махсус енгил саноат коллежи ва Самарқанд шаҳридаги 64-сонли ўғил болалар мактаб-интернатида тарбияланаётган вояга етмаганлар ўқишни ушбу муассасаларда белгиланган тартибда тугатадилар;

г) Республика ўқув-тарбия муассасаларидаги гуруҳлар ва синфларда ўқувчилар билан тўлдирилиш 15 — 20 нафар этиб белгиланади, истисно тариқасида тегишли молия органлари билан келишилган ҳолда ушбу муассасаларда ўқувчилар сонидан қатъи назар, синфлар очишга рухсат этилади;

д) ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар назоратисиз ва қаровсиз қолган, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилаларда яшаётган, шунингдек, давлат ва жамоатчилик ёрдамига муҳтож бўлган бошқа вояга етмаганлар уларнинг хулқ-атвори, психологик портрети, ёши, иқтидори, қобилияти, қизиқишлари ва бошқа омилларни инобатга олган ҳолда вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссия тавсиясига асосан, тегишли вазирлик ва идоралар қарорлари (йўлланмалари) асосида ўқув йили давомида иловадаги вазирлик ва идоралар тасарруфидаги умумтаълим ёки ихтисослаштирилган таълим муассасаларига (кейинги ўринларда — Муассасалар) жойлаштирилади;

тасарруфида умумтаълим ёки ихтисослаштирилган таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар тавсиясига асосан, Муассасаларга юборилаётган вояга етмаганлар учун Муассасаларнинг қабул квотасидан ташқари 5 фоизгача қўшимча квоталар ажратади;

Муассасаларга юборилаётган вояга етмаганлар таътил вақтида агар уларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга қайтариш имкони бўлмаса Муассасаларда ўқув жараёни бошлангунга қадар туман (шаҳар) ҳокимининг қарори асосида тегишли халқ таълими органининг йўлланмаси бўйича вақтинча Меҳрибонлик уйларида тарбияланадилар;

е) тасарруфида умумтаълим ёки ихтисослаштирилган таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар:

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар тавсиясига асосан юборилаётган вояга етмаганларни Муассасаларга истисно тариқасида бепул асосда, синовларсиз ва қўшимча имтиҳонларсиз қабул қилади;

вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар тавсиясига асосан қабул қилинган ҳар бир вояга етмаган учун алоҳида мураббий бириктиради ва унинг таълим-тарбиясини доимий равишда назорат қилади, уларни Муассасаларни битиргандан кейин иш билан таъминлашда кўмаклашади;

ж) ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари (кейинги ўринларда — Марказ) кўпи билан **қирқ беш кун муддатда** вояга етмаганни Муассасага ёки Республика ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссияга хулоса тақдим этади;

з) **2019 йил 1 сентябрдан** бошлаб ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларининг раҳбар ва педагог ходимлари, шу жумладан, тарбиячилар ва тарбиячи ёрдамчиларига меҳнатнинг алоҳида шароитлари учун базавий тариф ставкасининг **75 фоизи** миқдорида ҳар ойлик устама ҳақи тўланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги:

а) **2019 йилнинг 1 августига қадар**:

Республика ўқув-тарбия муассасаларининг ўқув дастурларини қайта кўриб чиқсин, уларга жойлаштирилаётган болаларнинг эҳтиёжлари ва муаммолари туридан келиб чиққан ҳолда **якка тартибдаги реабилитация дастурларини** (ҳаётий кўникмаларга ўргатиш, гиёҳвандлик ва алкогол воситаларга қарамликдан даволаш, руҳий жароҳат асоратлари билан ишлаш ва бошқа дастурлар) ишлаб чиқсин ҳамда тўгараклар фаолиятини кенгайтириш чораларини кўрсин;

Республика ўқув-тарбия муассасалари штатлар жадвалларини тасдиқласин, бунда тугатилаётган ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари штатлари ҳисобига янги ташкил этилаётган Республика ўқув-тарбия муассасаларида **ҳар 20 нафар** тарбияланувчига бир нафар психолог, шунингдек, Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасасига бир нафар шифокор-гинеколог штат бирликларини ажратсин;

Республика ўқув-тарбия муассасаларини кенг дунёқараш ва юқори малакага эга ўқитувчилар, тарбиячилар ва психологлардан иборат таркибда шакллантирсин ҳамда заруратга қараб янги штатлар жорий этсин;

Республика ўқув-тарбия муассасаларини замонавий ўқув, ўқув-методик ва бадиий адабиётлар, даврий журналлар билан таъминласин ҳамда ахборот-ресурс марказлари фондларини мунтазам равишда янгилаб борсин;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Республика ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчилари оиласи билан алоқада бўлиши ҳамда улар билан учрашиши учун зарур алоқа воситалари ва бошқа жиҳозлар билан таъминланган алоҳида хоналарни ажратсин, шунингдек, Республика ўқув-тарбия муассасаларининг “ZiyoNET” таълим тармоғига уланишини таъминласин;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда Республика ўқув-тарбия муассасаларининг ҳудудлари ва хоналари Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан видеокузатув камералари билан жиҳозланишини, уларнинг техник созлиги ва узлуксиз ишлашини, шунингдек, видеоёзувлар махсус архивда камида бир йил давомида сақланишини таъминласин;

б) тарбияланувчилар дуч келадиган муаммоларни муҳокама қилиш, уларнинг ечимини топиш ва тарбияланувчиларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган “**case-study**”, **гуруҳларда ишлаш, баҳс-мунозаралар, ситуацион ўйинлар, ақлий ҳужум** каби илғор **интерактив** ўқитиш усуллари ўқув-тарбия жараёнига кенг жорий этилишини таъминласин;

тарбияланувчиларда меҳнат кўникмалари ва мустақил ижодий фикрлаш қобилиятини шакллантириш, уларни касбга йўналтириш ва бўш вақтларини самарали ташкил этиш мақсадида тарбияланувчилар Республика ўқув-тарбия муассасасида бўлган давр мобайнида касбга ўргатиш бўйича **амалий меҳнат машғулотлари** ўтказилишини таъминласин;

таниқли фан, маданият, санъат ва адабиёт, дин арбоблари, турли соҳаларнинг илғор мутахассислари иштирокида **ҳар уч ойда камида бир марта** тарбияланувчиларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш, уларни ҳалоллик ва одоб-ахлоқ руҳида тарбиялашга қаратилган учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этсин;

в) Республика ўқув-тарбия муассасалари раҳбар ва мутахассисларининг малакасини ошириш ўқув дастурларига алоҳида шароитларда тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож вояга етмаганлар билан ишлаш методикасига оид модулларни киритсин, шунингдек, ушбу муассасаларнинг фаолиятини методик таъминлаш чораларини кўрсин.

6. Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) **2019 йил давомида**:

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидаги тарбияланувчилар билан индивидуал равишда суҳбатлар ўтказиш асосида уларни тоифаларга ажратган ҳолда ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга қайтариш, васий ёки ҳомий тайинлаш, жойлаштиришнинг бошқа шаклларини қўллаш, шунингдек, Муассасаларга жойлаштириш чораларини кўрсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчилари ва уларнинг оиласидаги аҳволни ҳар томонлама ўрганиш ва баҳолаш, тарбияланувчилар ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтгандан сўнг уларни ўқишга жойлаштириш, ижтимоий мослашуви ҳамда оиласидаги муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш, ота-оналари ва уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг салоҳиятини ошириш, уларнинг бандлигини таъминлаш, моддий ва бошқа ёрдамлар кўрсатиш чораларини кўрсин;

б) вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар томонидан вояга етмаганни Республика ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш масаласи кўриб чиқилганда таълим муассасаси, маҳалла, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, профилактика инспектори, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг масъул ходимлари иштирокида вояга етмаган, унинг ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслар билан олиб борилган профилактика ишлари чуқур ўрганилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қўмитаси ва халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ҳамда халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг қўшма мажлисларида **ҳар йили бир маротаба** тегишли Республика ўқув-тарбия муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёнларини муҳокама қилиш, ушбу муассаса раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг таклифига розилик берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, ҳисоботлар эшитилаётганда тарбияланувчилар билан олиб борилаётган таълим-тарбия жараёнлари, уларнинг хулқ-атворини ўзгартириш борасида амалга оширилаётган ишлар, уларга кўрсатилаётган тиббий хизмат, ушбу муассасалардаги ижтимоий-маънавий муҳит танқидий муҳокама қилинади.

8. Қуйидагиларга:

а) **Ўзбекистон ёшлар иттифоқига**:

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси билан биргаликда Республика ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчиларининг замонавий касб-ҳунарларни пухта эгаллаши учун муносиб шароитлар яратиш, бандлигини таъминлаш, ишбилармонлик қобилиятини ривожлантириш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, ташаббусларини рағбатлантириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият вазирлиги билан биргаликда Республика ўқув-тарбия муассасаларидаги болалар учун **ҳар ойда бир марта** маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб, тарбияланувчиларнинг тарихий-меъморий мажмуалар, ҳайвонот боғлари, театрлар, музейлар ва бошқа маданий-кўнгилочар жойларга ташрифларини уюштириб бориш;

Республика ўқув-тарбия муассасаларидан қайтган вояга етмаганларга Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вакилларини бириктириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

б) **Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасига** доимий равишда Республика ўқув-тарбия муассасаларини битираётган қизлар рўйхатини юритиб бориш, улар билан якка тартибда ва аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни ташкил этиш ҳамда уларни манзилли қўллаб-қувватлаш ва бандлигини таъминлаш чораларини кўриш тавсия этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги** Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда Республика ўқув-тарбия муассасалари битирувчиларини иқтисодиёт тармоқлари ва меҳнат бозорининг реал эҳтиёжларидан келиб чиқиб, касбга йўллаш, ўқитиш, қайта ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш ишларини олиб борсин.

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги** Марказга мунтазам равишда ҳамда Республика ўқув-тарбия муассасаларига келтирилган вояга етмаганларни қатъий тарзда **ҳар олти ойда** тиббий кўрикдан ўтказиб бориш ҳамда бемор тарбияланувчиларни ўз тасарруфидаги тиббиёт муассасаларида бепул даволаш чораларини кўрсин.

9. Республика ўқув-тарбия муассасаларида ёшларнинг маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишини ошириш бўйича беш ташаббусни кенг жорий этиш мақсадида **икки ой муддатда**:

а) Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Маданият вазирлиги билан биргаликда тарбияланувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида мусиқа, рассомчилик, тасвирий санъат, кулоллик ва бошқа тўгаракларни ташкил этиш, шунингдек, амалдаги меъёрга мувофиқ мусиқа асбоблари билан таъминлаш;

б) Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Республика ўқув-тарбия муассасаларининг спорт залларини 34 номдаги спорт жиҳозлари ва анжомлари билан таъминлаш;

в) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Республика ўқув-тарбия муассасаларида 1 тадан компьютер синф хоналарини замонавий компьютерлар билан таъминлаш, уларда ўқувчиларни фикрлашга йўналтирадиган компьютер ўйинлари базасини яратиш;

г) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ёзувчилар уюшмаси, Республика маънавият ва маърифат маркази, Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда 136 номдаги ўқишга тавсия этилган бадиий адабиётлар билан таъминлаш;

е) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда тарбияланувчи қизларнинг касбий кўникмаларини ривожлантириш мақсадида зарур миқдорда тикув машинаси ва бошқа анжомлар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

10. Вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этиши, назоратсиз ёхуд қаровсиз қолишига сабаб бўлган омилларни чуқур таҳлил этиб, уларни бартараф этиш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий судига вояга етмаганни Республика ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш масаласи судлар томонидан синчковлик билан ўрганиб чиқилиши, бунда вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар томонидан қабул қилинган қарорлар етарли асослантирилганлиги, вояга етмаганнинг ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслар, маҳалла, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, халқ таълими, ички ишлар, соғлиқни сақлаш органлари ва Марказнинг фикр-мулоҳазалари эшитилиши, шунингдек, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларнинг амалга оширган профилактика ишлари самарадорлигига баҳо берилишига эътибор қаратиш тавсия этилсин.

12. Вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар вояга етмаганларни Республика ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисида судга юборилган илтимосномаларнинг асослилигига жавобгар эканлиги белгилаб қўйилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги 2020 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида Республика ўқув-тарбия муассасаларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, зарур ускуналар, компьютер, ўқитишнинг техника воситалари, инвентарь билан таъминлаш ва моддий-техника базасини янада мустаҳкамлашни назарда тутсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

Бош прокуратура билан биргаликда **икки ой муддатда** Марказлар фаолиятини танқидий қайта кўриб чиқиш асосида уларнинг мавжуд ташкилий тузилмаси ҳамда иш жараёнини такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ички ишлар органларининг мавжуд штатлари доирасида хизматчи ва ишчилар ҳисобидан ҳар бир Марказга **бир нафардан офицерлар таркибидаги психолог** ва **ижтимоий ходим** лавозимларини киритиш чораларини кўрсин;

“Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази билан биргаликда ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари ходимларини касбий тайёрлаш ва малакасини ошириш дастурини ишлаб чиқсин ва дастурга ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилалар билан профилактик тадбирларни ташкил этишга оид модуллар киритсин.

15. Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани, Бахт шаҳри, Тадбиркор маҳалласи манзилида жойлашган ўғил болалар махсус коллежининг бино ва иншоотлари мулки ҳамда унга туташ ҳудуд билан бирга Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида берилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур қарорнинг амалга оширилиши учун зарур маблағларни 2019 йилда “Таълим” соҳаси учун ажратилган маблағлар доирасида ажратсин, 2020 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрларида ҳар йили назарда тутсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси вояга етмаганлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан назоратни кучайтирсин.

18. Тасарруфида умумтаълим ёки ихтисослаштирилган таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар икки ой муддатда вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссия тавсиясига асосан, ушбу муассасаларга вояга етмаганларни қабул қилиш тартибини белгилаш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Республика ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини ташкил этиш бўйича тегишли қарор қабул қилсин.

20. Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

21. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А. А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 29 май



# ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2019 ЙИЛ БИРИНЧИ ЧОРАГИДАГИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

1

Шу билан бирга, 2019 йилнинг 1-чораги мамлакатимизнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида яна бир муҳим воқеа билан ёдда қолганлигини таъкидлаш лозим. Жорий йилнинг 13 февраль куни Ўзбекистон ўз тарихида биринчи марта 5 йиллик 500 миллион долларлик евробондларни 4,75 фоиздан, 10 йиллик 500 миллион долларлик евробондларни эса 5,375 фоиздан Европа бозорига жойлаштирди. Бу эса давлатимизга кўплаб иқтисодий имкониятлар эшигини очиб беради.

Депутатлар Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг жорий йил биринчи чорагидаги ижроси якунларини муҳокама қилар экан, кейинги пайтларда мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга, хусусан, меҳнатга ҳақ тўлаш ҳамда пенсиялар тайинлаш тизимини такомиллаштириш масалаларига катта эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Хусусан, жорий йил 21 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Қайд этиш жоизки, илгари ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларини аниқлаш борасида жуда кўп саволлар туғилар, муаммолар юзага келар эди. Давлатимиз раҳбарининг мазкур Фармони билан тартиб-таомиллар такомиллаштирилиши муносабати билан бу борадаги масалалар ҳам ўз ечимини топадиган бўлди.

Депутатлар парламент аъзолари томонидан жойлардаги ҳақиқий ҳолатни ўрганиш ҳамда назорат-таҳлил фаолиятини амалга ошириш жараёнларида Давлат бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, ҳудудларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш борасида ҳали ечимини кутаётган масалалар борлигига ҳам эътибор қаратдилар. Шу билан бирга, ҳудудларнинг ресурс салоҳиятини тўлиқ амалга ошириш, бюджет маблағларидан янада самарали фойдаланишни таъминлаш, маҳаллий бюджетлар даромадини ошириш борасида жойларда мавжуд имконият ва резервларни тўла ишлатишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Муҳокамалар давомида депутатлар маҳаллий давлат органлари мансабдор шахсларининг ижро интизомини ошириш, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг келгуси давр учун ўз вақтида, сифатли ижро этилиши устидан парламент назоратини кучайтириш, бунинг учун халқ депутатлари тегишли Кенгашлари билан ҳамкорлик қилиш юзасидан аниқ вазифаларни белгилаб олиш зарурлигини таъкидладилар.

Мажлис якунларига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2019 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.**

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади**

# Кундузги шифохоналар самарали ишламаяпти. НЕГА?

Кундузги шифохона ўзи аслида нега керак? У одамларга нима наф беради?

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси томонидан бирламчи тиббиёт муассасаларида аҳолига амбулатор хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда ана шу саволларга жавоб изланди.*

Кўпчилик кеча-кундуз шифохонада ётиб даволанишга имкон топавермайди. Ўзига яқин ҳудуддаги оилавий ёки қишлоқ оилавий поликлиникаларидаги кундузги шифохоналар ана шундай тоифадаги беморлар учун жуда қўл келади. Ваҳолонки, оилавий поликлиниканинг ўзида қон таҳлили ва бошқа анализларни ҳам топшириш, тегишли муолажаларни олишга шароит мавжуд.

Демак, кундузги шифохоналарда муолажа олиш, биринчидан, бемор вақтини, маблағини тежайди, оворагарчиликнинг олдини олади. Иккинчидан, хаста одам кундузги шифохонада доимий ҳолидан хабар олувчи шифокори ва патронаж ҳамширасининг назоратида бўлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари жойларда ўтказган ўрганишлари жараёнида, афсуски, кундузги шифохоналар имкониятидан етарлича фойдаланилмаётганини аниқладилар. Айрим оилавий поликлиникаларда кундузги шифохоналар учун хоналар етишмаса, бошқаларида эса каравот ёки бошқа шунга ўхшаш сабаблар билан шифо ўринлари ташкиллаштирилмаган.

Ушбу масала Ҳукумат ҳисоботида ҳам айрим депутатлар томонидан ўртага ташланган эди.

2017 йил 22 сентябрда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган вақтинчалик штатлар нормативида кундузги шифохоналар учун 20 та шифо ўрни мавжуд бўлганда 1 штат врач ва ҳамширалар ажратилиши кўрсатилган. Жойлардаги шароитлардан келиб чиқиб, 10 — 12 шифо ўринлари ташкил қилинган оилавий поликлиникаларга 0,5 ставка шифокор ва ҳамшира штатлари ажратилган. Бу атиги уч соат ишлайди дегани, холос. Қолган вақтда кундузги шифохона ишламайдими, деган ҳақли савол туғилади.

Депутатларнинг фикрича, аслида 20 та шифо ўрнидан келиб чиқиб, штат ажратиш амалиёти Молия ёки Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бюджет маблағларини иқтисод қилиш мақсадида аниқ таҳлилларсиз жорий этган иши ҳисобланади. Бугунги кундаги воқелик бу айнан жойлардаги вазиятдан келиб чиқилган аниқ ёндашув натижаси эмаслигини кўрсатмоқда.

Алоҳида қайд этилганидек, кеча-кундуз ишлайдиган шифохонада ётиб даволанишда аҳолининг муайян қатламига дори-дармонлар бепул. Қолганларига эса бундай имконият йўқ. Лекин нормативларга тегишли ўзгартишлар киритиб, оилавий поликлиникалардаги кундузги шифохоналарда даволанганларга ҳам дори-дармонларни бепул тақдим этиш мақсадга мувофиқ.

Танқидий таҳлил, баҳс-мунозара руҳида кечган тадбирда ўртага ташланган жиддий масалалар Молия ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари мутасаддилари ҳамда экспертлар иштирокида чуқур муҳокама қилинди.

Қўмита йиғилишида ушбу вазирликларга тегишли сўров киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# «Ўзбекистон барча учун очиқ»

## деб ёзилмоқда Германия оммавий ахборот воситаларида

1

“Биз Сизнинг раҳбарлигингиз остидаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларни катта ҳурмат ҳамда хайрихоҳлик билан кузатиб боряпмиз. Германия ушбу йўлдан қатъий боришда давом этишингиз учун Сизни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашни истайди”, дея сешанба куни бўлиб ўтган музокаралар чоғида Германия Президентининг Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга қилган мурожаатидан иқтибос келтирилади нашрда.

Мақолада Германия ижтимоий-иқтисодий ривожланиш соҳасида Ўзбекистонга кўмак беришни кучайтирмоқчи эканлиги эътироф этилган. Бинобарин, ГФР Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер ташрифи доирасида Иқтисодий ривожланиш федерал вазирлиги яқин икки йил ичида қарийб 124 миллион евро ҳажмида маблағ ажратилишини маълум қилди.



**“Дойче Велле”** барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, жумладан, Ўзбекистонда соғлиқни сақлашни яхшилаш Ўзбекистон — Германия ҳамкорлиги марказида туришини хабар қилади. Хусусан, Германия ажратаётган маблағлар шифохоналарни модернизация қилиш, тиббиёт ходимлари учун таълим дастурлари, қишлоқ хўжалигини мустаҳкамлаш учун йўналтирилади.

*Ўз навбатида, ГФРда Президент Франк-Вальтер Штайнмайернинг Ўзбекистонга ташрифи Германия томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган улканислоҳотлар қўллаб-қувватланишининг ўзига хос белгиси сифатида баҳоланаётир. Немис ижтимоий-сиёсий ва эксперт доиралари вакилларининг фикр-мулоҳазалари ҳам шундан далолат бериб турибди.*

**Тилл МАНСМАНН, Германия Бундестаги депутати, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт қўмитаси аъзоси, Марказий Осиё бўйича маърузачи:**

— Марказий Осиё биз учун жуда муҳим геостратегик роль ўйнайди. Шу боис Германиянинг Марказий Осиё мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистон билан ўзаро муносабатлари фаоллашиб бораётганидан хурсандман.

Охирги йилларда парламентлараро алоқаларимиз суръатлари ўсди. Бундестагнинг Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт қўмитаси аъзолари гуруҳи яқин вақт ичида Марказий Осиёга ташриф буюради. Улар минтақадаги шериклар билан иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш ва кенгайтириш истиқболларини муҳокама қилишади.

Президент Франк-Вальтер Штайнмайернинг Ўзбекистонга расмий ташрифи кўп қиррали икки томонлама алоқалар равнақи, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги алоқалар ҳамда маданий мулоқот мустаҳкамланишига янги туртки беради.

**Урс УНКАУФ, Германия Социал-демократик партияси (ГСДП) Берлин ер бўлинмаси Ташқи сиёсат масалалари қўмитасининг Марказий Осиё бўйича маърузачиси:**

— Президент Франк-Вальтер Штайнмайернинг Ўзбекистон Республикасига ташрифи, шубҳасиз, ажойиб воқеадир. Чунки бир томондан бу ташриф минтақавий аҳамият касб этади, зеро, яқинда Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича янги Стратегияси тақдим этилади. Иккинчи томондан, у Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги икки томонлама муносабатларда муҳим ҳодиса ҳисобланади.

Президент Шавкат Мирзиёев шу йил январь ойида Германияга ташриф буюрди. Сафар якуни бўйича ижтимоий-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик соҳаларида кўплаб лойиҳалар бошланди. Чунончи, Германия Федерал ҳукумати ва Немис иқтисодиёти шарқий қўмитасига консультация бериб келадиган Немис ташқи сиёсат жамияти (DGAP), Илм-фан ва сиёсат жамғармаси (SWP)нинг юқори даражадаги конференцияларини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Бундан ташқари, компаниялар даражасида қатор икки томонлама битимлар ва шартномалар имзоланди.

Ўзбекистон охирги икки-уч йил ичида минтақанинг иқтисодий ва инвестициявий марказига айланди. Туризм жабҳаси ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Охирги йилда Германиядан Ўзбекистонга сайёҳлар оқими анча ўсди. Ўйлашимча, Ўзбекистоннинг таклиф этадиган жиҳатлари бор — сайёҳлик учун диққатга сазовор жойлар ва замонавий ютуқлар.

Ўзбекистон XXI асрда тараққиётни таъминлаш бўйича сиёсатни рўёбга чиқариш учун зарур ғояларни ҳам қабул қиляпти.

Германиянинг собиқ канцлери Вилли Брандт айтган: “Сиёсат ўзига билдирилаётган талабларни қондиришни хоҳласа, ҳамиша долзарб бўлиши керак”. Шу маънода, икки Президентнинг бўлиб ўтган ўзаро ташрифлари Ўзбекистон ва Германия кўплаб йўналишларда, жумладан, минтақавий даражада ҳам яқин алоқаларни олиб бора олишини аниқ-равшан кўрсатиб турибди.

**Томас ГЛАУБЕН, Марказий ва Шарқий Европа Аграр ривожланиш институти (IAMO) директори:**

— Институтимиз Ўзбекистон билан фаол ҳамкорлик қилиб келади. Охирги йилларда ўзаро алоқаларимиз янада юксалди. Мамлакатда рўй бераётган ўзгаришлар таъсирини ўзбек университетлари ва тадқиқот институтлари билан илмий ҳамкорликда ҳам ҳис этиш мумкин. Зотан, улардан ҳамкорликка оид кўплаб таклифлар келиб тушаётир.

Қўшма лойиҳалар доирасида немис олимлари Ўзбекистон олий ўқув юртлари талабалари ва ўқитувчилари учун ҳам Ўзбекистонда, ҳам Германияда маърузалар ва тренинглар ўтказишмоқда. Ўзбекистондаги Аграр университетида ўзбек — герман қўшма кафедрасининг очилиши узоқ муддатли барқарор ҳамкорлик учун асос яратди.

Биз Ўзбекистон билан ҳамкорлигимизни янада кенгайтиришни сабрсизлик билан кутмоқдамиз. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Германияга ва ГФР Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг Ўзбекистонга ташрифи илм-фан соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилишига ишончим комил.

**«Дунё» АА материаллари асосида С. МАХСУМОВ тайёрлади.**




Демократия кўзгуси

# ИЛГАРИЛАРИ САЙЛОВЛАРДА ЭЪТИРОЗ КЎП БЎЛАРДИ, ЭНДИ ЭСА...

*Бундан олдинги маҳалла сайловларида аҳоли орасида “Раисни ким сайлади?”, “Мен сайловда қатнашмаганман-ку”, “Ундан умуман хабарим йўқ, қачон бўлганлигини билмайман”, “Сайлов ноқонуний ўтди” қабилидаги эътирозли фикрлар ҳам янграгани сир эмас. Аммо бу сафарги сайлов мутлақо янгича тарзда ташкил этилди ва ўтказилди. Табиийки, самара ҳам шунга яраша бўлди.*

## БУНИНГ САБАБЛАРИ НИМАДА?

*Бу масалага Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши раиси ўринбосари Турғун ҚИРҒИЗБОЕВ шундай изоҳ берди:*

— Олдинги амалиётда маҳалла раиси фуқаролар йиғини эмас, аксинча, фуқаролар вакиллари йиғилиши томонидан сайланарди. Бунда сайловчилар номидан атиги 60 — 90 нафар вакил овоз берарди. Бу сафар ҳаммаси бошқача бўлди. Сайловда кўпроқ фуқароларнинг бевосита иштирок этишини таъминлаш учун ҳовлилар, уйлар, кўчалардан фуқаролар вакиллиги минимал нормаси белгиланди. Яъни ҳар бир маҳаллада жами сайловчилардан камида 12 фоизи бевосита овоз бериш жараёнида қатнашди. Бу 4 минг сайловчи бўлган маҳаллада 480 нафардан кам бўлмаган вакил бевосита иштирок этди, деганидир.

Бунинг устига, илгари сайлов очиқ овоз бериш йўли билан ўтказилгани фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш имкониятларини муайян даражада чеклаб қўярди. Бу галги сайловлар эса яширин овоз бериш йўли билан ўтказилди.

## НОМЗОДЛАР УЧУН ТАЛАБЛАР КУЧАЙТИРИЛДИ

Фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзод кўрсатишнинг демократик тартиби йўлга қўйилиши ҳам муҳим янгилик бўлди. Бошқача айтганда, ҳар бир номзод юзасидан ҳудудда доимий яшовчи фуқаролар фикрлари инобатга олинди.

“Маҳалла виждони” дея таърифланадиган бу лавозим ўта масъулиятли ва айни чоғда шарафлидир. Шу боис ҳар ким ҳам ушбу лавозимга номзодлик учун лойиқ кўрилавермайди.

Бу миллий қонунчилигимизда ҳам мустаҳкамлаб қўйилган:

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши, қоида тариқасида, олий маълумотга эга бўлиши, бевосита сайловга қадар камида беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган бўлиши, ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларда ёхуд тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига, шунингдек, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

Сайловлар шу талаблар асосида ташкил этилди ва ўтказилди, табиийки, натижа ҳам шунга мос.




## АҲОЛИ ФАОЛЛИК КЎРСАТДИ

Буни сайлов жараёнида юртдошларимиздан жами 868 та мурожаат келиб тушгани ҳам тасдиқлайди. Аммо улар орасида, олдинлари бўлганидек, эътироз ва норозилик кайфиятидагилари жуда кам учради.

Ҳозиргача мурожаатларнинг 400 дан ортиғи ҳал этилди, қолганлари эса кўмаклашувчи комиссиялар томонидан кўриб чиқилмоқда.

*Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловлари билан боғлиқ якуний маълумотлар тез кунларда эълон қилинади.*

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.**

# МУАММОГА ВАҚТИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ ЗАРУР

## Шунда ортиқча оворагарчиликларга ўрин қолмайди.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Боғот тумани Халқ қабулхонаси томонидан туман сектор раҳбарлари билан ҳамкорликда ўтказилган сайёр қабулларда аҳоли эътирозларига сабаб бўлаётган, уларни ўйлантираётган муаммо ва камчиликлар мутасаддилар иштирокида кўриб чиқилди.*

Сайёр қабул

Мулоқотлар очиқ ва самимий руҳда, ортиқча расмиятчиликларсиз кечди. Тумандаги 43 та маҳаллада ўтказилган оммавий қабулларда 2203 нафар фуқаро қатнашди ва 366 та мурожаат келиб тушди. Уларда 408 та масала кўтарилган бўлиб, 54 таси жойида ҳал этилди, 213 тасига асосли тушунтириш берилди, 141 таси ўрганиш жараёнида. Мурожаатлар мазмуни ўрганилганда, асосан, уй-жой олиш ва якка тартибда уй қуриш учун ер участкалари ажратиш, суд-ҳуқуқ, моддий ёрдам ҳамда пенсия таъминоти, банк кредитларидан фойдаланиш, коммунал соҳа билан боғлиқ муаммолар аҳолини ташвишлантираётгани маълум бўлди.

— “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган тамойил амалда ўз исботини топаётганини кўриб, англаб турибмиз, — дейди Оқтепа маҳалласида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Бектурди Худойберганов. — Илгари турмушимиздаги айрим муаммоларни ҳал қилиш учун идорама-идора югуриб, қанча оворагарчилигу сансалорликларга дуч келганмиз. Эндиликда барча жойларда Халқ қабулхоналари очилгани, мана шундай сайёр қабуллар ўтказилиб, мурожаатларимиз юқори даражада кўриб чиқилаётгани юртимизда инсон манфаатларини амалда таъминлаш энг устувор мақсадга айланганидан далолат беради. Шаҳарчамизда бош режа бўйича амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари туфайли менга ва иккита ўғлимга тегишли эски ҳовли-жой бузиладиган бўлди. Аммо ўрнига якка тартибда уй-жой қуриш учун ер майдони ажратиш масаласи ҳал бўлмай келаётган эди. Туман Халқ қабулхонасига қилган мурожаатимиз ўрганиб чиқилиб, ҳар бир оилага саҳни 600 квадрат метр бўлган ер участкаси ажратилди. Қаранг, шу юмушни ортиқча оворагарчиликсиз бажарса бўлар экан-ку, имконият бор экан.

— “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастурини амалга оширишдан мақсад аҳоли бандлигини таъминлаш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришдан иборат, — дейди Бешариқ қишлоғидан Қурвонжон Сафоева. — Шахсий томорқамизда иссиқхона ташкил қилиш учун кредит сўраб ҳудудимизга бириктирилган банк филиалига қилган мурожаатларимиз эътиборсиз қолаверди. Оммавий қабулда бу муаммо бир зумда ҳал бўлди. Иссиқхона фаолиятини йўлга қўйиш учун 10 миллион сўм кредит ажратилди. Мутасадди раҳбарлар ўз ваколатлари доирасида ҳал қилиши мумкин бўлган бундай масалалар ечимини пайсалга солиб, бизни ортиқча оворагарчиликларга рўбарў қилиши шартмиди?

Шунингдек, Миришкор қишлоғидан Муқаддас Солаева, Севара Файзуллаеванинг шахсий томорқа хўжаликларида паррандачилик билан шуғулланиш мақсадида кредит сўраб банкка қилган мурожаатлари асоссиз рад этилган. Қабул жараёнида уларга имтиёзли кредит бериш масаласи ижобий ҳал қилинди.

Маҳаллаларда ўтказилган оммавий қабулларда фуқароларнинг мурожаатларини ҳар томонлама таҳлил этиш, уларнинг юзага келиш сабабларини ўрганиш, ечимини топиш ва тушунтириш бериш учун турли соҳалар бўйича секторларга бўлинган ҳолда муҳокамалар олиб борилгани ҳар бир мурожаатнинг жавобсиз қолмаслигини кафолатлади.

— Ҳар қандай муаммонинг илдизи қанча барвақт аниқланса, уни бартараф қилиш ҳам шунча осон кечади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президентининг Боғот туманидаги Халқ қабулхонаси мудири Қурбондурди Нурматов. — Бунинг учун мутасаддилар халқ билан доимий мулоқотда бўлиши, аҳолини ташвишлантираётган муаммоларнинг ичига янада чуқурроқ кириб бориб, вазиятни қалбан ҳис эта билиши керак. Шу мақсадда иш фаолиятимизда асосий эътиборни уйма-уй юриб, қишлоқлардаги долзарб муаммоларни аниқлашга, уларни жойида бартараф этишга қаратмоқдамиз. Оммавий қабуллар давомида мурожаатларнинг салмоқли қисми белгиланган тартибда ҳал этилди, қолганларининг ижроси қатъий назоратга олинди.

Дарҳақиқат, ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири туради. Бундай сайёр қабулларнинг ўтказилиши, одамларни ўйлантираётган муаммоларга ечим топилиб, таклиф ва шикоятларининг инобатга олиниши уларнинг бугунидан рози бўлиб яшаши, эртанги кунга ишончи янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

**Одилбек ОДАМБОЕВ («Халқ сўзи»).**

Янги Қонун

*Шу йил 28 май куни Президентимиз томонидан “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун имзоланди. Мазкур ҳужжат билан ҳайвонот ва ўсимлик дунёси муҳофазаси, ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлганлик учун жавобгарлик ҳамда сохта банкротлик, банкротликни яширганлик ва қасддан банкротликка олиб келганлик учун жавобгарлик кучайтирилди.*

# ЖАРИМАЛАР КУЧАЙТИРИЛДИ, ТАЛАБЛАР ҚАТЪИЙЛАШДИ

Шу ўринда айрим рақамларга мурожаат қилсак. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маълумотларига кўра, ҳайвонот ҳамда ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида 2018 йилда 6043 та ёки 2017 йилдагига нисбатан 15 фоиз ортиқ ҳуқуқбузарликлар қайд этилган.

Ҳайвонот ҳамда ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишлар таҳлили эса ов қилиш ва балиқ овлаш ёхуд ўсимликларнинг дори-дармон ҳамда озиқ-овқат мақсадларида фойдаланиладиган турларини йиғиш ёки тайёрлаш тартибини бузиш билан боғлиқ жиноятлар сони ошаётганини кўрсатмоқда.

Демак, бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун жиноий жазо чоралари етарли эмас. Қонун бу каби ҳолатларни бартараф этиш имконини беради.

Яъни эндиликда ушбу ҳужжат билан ов қилиш ва балиқ овлаш қоидаларини бузиш, ноёб ёки йўқ бўлиб кетиш хавфида турган ҳайвонларни муҳофаза қилиш, дарахтлар ҳамда буталарни ғайриқонуний равишда кесиш, ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги талабларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик янада кучайтирилди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 63-моддаси санкцияси мустаҳкамланиб, у янги қисм билан тўлдирилди.

Қонунда назарда тутилган яна бир ўзгартиш Жиноят кодексига киритилган бўлиб, сохта банкротлик, банкротликни яшириш, қасддан банкротликка олиб келиш учун жарима миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 150 бараваридан (30 миллион 409 минг 500 сўмдан) 250 бараваригача (50 миллион 682 минг 500 сўмгача) оширилди.

Илгари бу миқдор энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваридан (20 миллион 273 минг сўмдан) 200 бараваригача (40 миллион 546 минг сўмгача) эди.

Мазкур жиноятлар учун эндиликда муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш, яъни тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси қўлланилмайди. Ушбу ўзгартишлар 3 ойдан сўнг кучга киради.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган қўшимчаларга кўра, ғайриқонуний ов, балиқ овлаш маҳсулотини, ёввойи ўсимликларни йиғиш ҳам энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараваридан (2 миллион 27 минг 300 сўмдан) 15 бараваригача (3 миллион 40 минг 950 сўмгача) жарима солишга сабаб бўлади. Илгари фақат ғайриқонуний ов маҳсулотларини қабул қилиш учун жавобгарлик мавжуд эди.

Эндиликда ов қилиш ва балиқ овлашнинг тақиқланган қуролларини ёки воситаларини тайёрлаш, олиб кириш, сақлаш, ташиш ёки юбориш, олиш ёхуд сотиш ҳуқуқбузарлик қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг 3 бараваридан (608 минг 190 сўмдан) 5 бараваригача (1 миллион 13 минг 650 сўмгача), мансабдор шахсларга 7 бараваридан (1 миллион 419 минг 110 сўмдан) 10 бараваригача (2 миллион 27 минг 300 сўмгача) жарима солишга сабаб бўлади.

Мазкур Қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши профилактик тадбирларнинг кучайишига, фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шунингдек, махсус ваколатли давлат органлари иш фаолиятини тезкор ҳамда самарали ташкил этишга хизмат қилади.

Талабларнинг кучайтирилиши ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш соҳасида экологик жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг миқдорий кўрсаткичларига ижобий таъсир этади.

**Шуҳрат ЧЎЛЛИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси ўринбосари.**

# Қашқадарёдан Россияга 100 тоннага яқин «айсберг»лар жўнатилди

*Яккабоғ туманидаги “Шарофат она Қаҳрамон қизи” агрофирмаси деҳқонлари бу йил биринчилардан бўлиб “айсберг” салат баргини Россияга экспорт қила бошлади.*

Интилиш

Дастлаб иссиқхона шароитида парваришланиб, 15 гектар майдонда етиштирилган ушбу маҳсулотдан эртаги ҳосил олинди. Айни пайтда 100 тоннага яқин “айсберг” салат барги махсус машиналарга юкланиб, россиялик буюртмачиларга жўнатилмоқда.

Шунингдек, агрофирмада экспортбоп қовун навлари ва пиёз етиштирилаётир. Пиёзнинг бир қисми Германияга экспорт қилиниши кутиляпти.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ («Халқ сўзи»).**

Экспорт

# Юртимиз гилослари — Буюк Британия бозорларида

*Лондон расталарида, хусусан, шаҳарнинг Western International Market бозорида Ўзбекистоннинг Наманган вилоятида етиштирилган гилослар сотилмоқда.*



“Бугун — тарихий кун. Илк бор ўзбек гилоси Британия бозорига етказиб берилди. Ўзбекистон ажойиб мамлакат ва бир неча ой аввал биз Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотларини Буюк Британияга экспорт қилиш бўйича иш бошлашга қарор қилдик. Мен Ўзбекистоннинг кўплаб ҳудудларида, жумладан, Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида ва Наманган вилоятида бўлдим”, дейди “AKS Services Group” компанияси бош директори Воис Каис.

Келгусида Ўзбекистондан анор, пиёз, бодринг ва турли қуруқ меваларни экспорт қилиш режалаштирилмоқда.

**«Халқ сўзи».**

# ЯНГИЛАНИШЛАР

## ОДАМЛАРНИНГ ТУРМУШИ, ФИКРИ, ДУНЁҚАРАШИНИ ЎЗГАРТИРМОҚДА

1

Янги ташкил этилган кластернинг устав капитали Буюк Британиянинг “Paraglide limited”, Россия Федерациясининг “Петромаруз Капитал” компаниялари бадаллари ҳисобидан шакллантирилди. Бугун тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, халқаро молия институтларининг маблағлари, хорижий ва маҳаллий банкларнинг кредит линияларини жалб этиш ҳисобига маҳсулот етиштириш, уларни қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқариш корхоналарини, шунингдек, чорвачилик ва балиқчилик комплексларини йўлга қўйишни назарда тутувчи агросаноат кластери кенг кўламда фаолият олиб бормоқда.

Кластер таркибида тўртта агрокорхона бор. Йил охирига бориб, 10 та истиқболли лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилмоқда.



Меҳнатни ташкил этишнинг янги услуби туман аҳолисининг кундалик ҳаёти ва кайфиятига таъсир қила бошлади. Чунки уларнинг аксарият қисми янги тузилмада фаолият кўрсатаётир. Одамларнинг фикрлаши ва дунёқараши ҳам ўзгармоқда. Энди туманда уюштирилаётган турли тадбирлар кенг кўламлилиги билан ажралиб турибди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббус йўналишларини кенг оммага яна бир карра таништириш, уни ҳаётга татбиқ этиш бўйича ўтказилаётган тадбирлар бунинг ёрқин мисолидир. Туман ҳокимлиги ва сектор раҳбарлари саъй-ҳаракати билан мазкур ташаббусни амалиётга жорий қилиш юзасидан комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Унда туманда жами 56 минг нафардан зиёд ёшлар мавжудлиги, шундан 14 — 30 ёшгача бўлганлар сони 31 минг нафарни ташкил этиши инобатга олинди. Уларнинг ҳар бирини ташаббус йўналишларига қамраб олиш назарда тутилди.



Туман марказида бўлиб ўтган беш ташаббус доирасидаги тадбир ёшлар байрамига айланиб кетди. 300 метр масофага югуриш марафони билан маросим бошланди. Унда мингдан ортиқ аҳоли иштирок этди. Орадан кўп ўтмай, мазкур масофада велопойгачи аёллар ўзаро куч синашдилар. Туман марказий стадионида спортнинг 10 тури бўйича ёшларнинг кўргазмали чиқишлари ҳамда футбол ва волейбол бўйича финал ўйинлари бўлиб ўтди.

Таъкидлаш лозимки, бугун туманда 20 дан ортиқ турли нуфузли мусобақалар ғолиблари фаолият кўрсатмоқда. Улар туман мактабларидаги спорт тадбирларида фаол иштирок этишяпти. Уларнинг спортдаги шарафли ютуқлари ёшларга намуна вазифасини ўтаётир. Мана шундай номдор атлетлар орасида халқаро тоифадаги спорт устаси, армрестлинг бўйича жаҳон чемпиони Мухлиса Турсунбоева, спортнинг шу тури бўйича Осиё кубоги ғолиби, халқаро тоифадаги спорт устаси Нозима Анварова, таэквондо бўйича мамлакат чемпионлари Севара Норқулова, Зарнигор Толипбоева ва бошқалар бор.

Айни пайтда тумандаги 4-болалар мусиқа ва санъат мактабида туман маданият бўлими қошидаги тўгараклар иштирокчилари, мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари томонидан концерт дастури намойиш қилинди. Эътироф этиш лозимки, Қуйи чирчиқликлар бу борада ҳам илгарилаб боришмоқда. Масалан, бир ҳафта аввал бўлиб ўтган “Буюк Ипак йўли” халқаро фольклор мусиқа фестивалининг вилоят босқичида туманнинг “Наврўз” фольклор жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Миллий урф-одатларимизни ўзида мужассам этган жамоа чиқишлари мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

Тумандаги касб-ҳунар коллежларида ўқиётганлар компьютер технологиялари бўйича ўрганган билимларини амалиётга жорий қилиш асосида ўзлари яратган сайтлар, анимацион дастурлар билан кўпчиликнинг эътиборини жалб қилишди. Адабиёт ихлосмандлари шеърият кечасига йиғилишди. Бу ерда ёшларни китоб мутолаасига янада кенгроқ жалб қилиш мақсадида китоблар кўзгазмаси ва савдоси ташкил этилди. Мутасаддилар томонидан мактабларга бадиий адабиётлар тақдим қилинди.

Уюштирилган меҳнат ярмаркасида 60 дан ортиқ йигит-қизлар ишли бўлди. Таъкидлаш лозимки, ташаббуснинг бешинчи йўналиши бўйича ҳам амалга оширилаётган ишлар кўлами кенг. Ўтган тўрт ой якунига кўра, 310 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланди. Уларнинг бир қисмига ўз тадбиркорлигини бошлаш учун кредитлар берилди. 172 нафар аёл эса янги ташкил этилган кластер тузилмаларига ишга жойлашдилар. Беруний ва Гулистон қишлоқларида фаолияти йўлга қўйилган тикувчилик, қандолатчилик цехлари ҳам талайгина аёлларни ўз бағрига олди.

Шу куни бўлиб ўтган суҳбатларда беш муҳим ташаббуснинг мазмун-моҳияти, унинг амалдаги ижроси ҳақида сўз борди. Оқшомдаги катта гала-концерт тадбирга якун ясади.

**Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Мансур ҲИММАТОВ олган суратлар.

QISHLOQQURILISHBANK

*Тошкент шаҳрида “Cardio Star Plus” масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Мазкур замонавий диагностика маркази Президентимиз ташаббуси билан хусусий тиббиёт муассасалари тармоғини кенгайтириш, йирик шаҳарларда “тиббиёт хаб”ларини барпо этиш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ёрқин меваси бўлди, десак, айни ҳақиқат.*

*Кейинги пайтда юртимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, айниқса, хусусий тиббиёт муассасалари тармоғини кенгайтириш орқали аҳолини сифатли тиббий хизмат билан қамраб олишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бундай лойиҳалар ташаббускорлари эса ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, юрак-қон томир касалликларини даволашга ихтисослаштирилган ушбу клиника “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банкининг молиявий кўмагида ташкил этилди.*



# Мақсадимиз — халқимиз дардига дармон бўлиш

Гап шундаки, лойиҳанинг умумий қиймати 8,2 миллиард сўм бўлиб, шунинг 6,2 миллиард сўми ушбу банк томонидан молиялаштирилди. Банк кредити хориждан электрокардиография, эхокардиография, физиотерапия, ультратовуш аппаратлари, лаборатория ускуналари харидига йўналтирилди. Эътиборлиси, зарур асбоб-ускуналар тиббий жиҳозлар ишлаб чиқариш саноатида дунёда етакчи ҳисобланган АҚШ, Германия, Буюк Британия, Жанубий Корея сингари давлатлардан келтирилди. Натижада 10 500 метр квадрат майдонни эгаллаган кўркам бинода сифатли тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

Шифо маскани фойдаланишга топширилиши билан 80 та иш ўрни очилди. Уларга юқори малакали мутахассислар жалб этилди. Шифокорларнинг аксарияти Россия, Япония, Ҳиндистон каби хорижий давлатлардаги етакчи клиникаларда малака ошириб келишгани алоҳида диққатга сазовор.

— Диагностика маркази юрак-қон томир касалликлари бўйича 126 ўринга мўлжалланган бўлиб, стационар ҳамда ойига 4440 нафар беморга амбулатор лаборатория-диагностика хизмати кўрсатиш имкониятига эга, — дейди “Қишлоқ қурилиш банк”нинг Тошкент шаҳар филали бошқарувчиси ўринбосари Алишер Мустафоев. — Айни пайтда клиника қувватидан тўлиқ фойдаланиш, тиббий хизматлар турини кўпайтириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Дастлаб мавсумийлик ва мижозлар қатнови инобатга олинган ҳолда, камида 60 фоиз қувват билан ишлаши кўзда тутилган.



“Cardio Star Plus” энг сўнгги русумдаги тиббий ускуналар билан жиҳозлангани нафақат юрак-қон томир касалликлари билан оғриган беморларга, балки неврологик, терапевтик касалликларни аниқ ва тез ташхислашда қўл келяпти.

— Онамни кўпдан буён юраги безовта қилади, — дейди навоийлик Насима Умарова. — Даво истаб кўп жойларга бордик, бир қанча шифокорларга учрашдик. Аммо аниқ ташхис қўя олишмади. Пулни аямай, чет элга олиб боришни маслаҳат берганлар ҳам бўлди. Шу пайт ушбу клиника ҳақида эшитиб, пойтахтга келдик. Адашмаган эканмиз. Худога шукр, онамнинг соғлиғи анча яхшиланди. Шифокорлар хизматидан жуда мамнунмиз.

Кейинги пайтда ташкил этилаётган шу каби шифо муассасалари тиббий хизматлар жабҳасида соғлом рақобатни юзага келтирмоқда. Бу эса амалиётга сўнгги янгиликларни жорий қилиш, халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, шифокорлар малакасини муттасил равишда ошириб боришни тақозо қилаётир. “Cardio Star Plus” масъулияти чекланган жамияти жамоаси ана шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда, олдиларига мақсадни улкан қилиб қўйишган. Сифатли тиббий хизматлари билан нафақат юртимиз, балки қўшни давлатлар аҳолисини қамраб олишдир.

— “Қишлоқ қурилиш банк”нинг молиявий ёрдами билан бизнес-режамиз муваффақиятли амалга ошиб, кўп йиллик орзуларимиз рўёбга чиқди, — дейди “Cardio Star Plus” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ҳаким Файзиев. — Лойиҳамиз бир неча босқичли бўлиб, унинг дастлабкиси доирасида, асосан, юрак-қон томир касалликлари ҳамда бошқа хасталикларни диагностика қилиш, даволашни йўлга қўйдик. Шу йилнинг сентябрь ойида амалга оширилиши кўзда тутилган иккинчи босқичда тиббий хизматларимиз турини янада кенгайтириб, юрак мускуллари ва қон томирларини чуқур текшириш, келгусида эса жарроҳлик амалиётини йўлга қўйиш ниятидамиз. Бунинг учун, албатта, замонавий аппарат ва жиҳозлар олиб келамиз.

Мақсадимиз битта, у ҳам бўлса, аҳолига юртимизда хориждагидан қолишмайдиган даражада тиббий хизмат кўрсатиб, халқимиз дардига дармон бўлишдир.

**Нодирбек ИБОДУЛЛАЕВ.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

*Хизматлар лицензияланган.*

Реклама ўрнида

## АКТ янгиликлари

### Ҳужжатларнинг ижродаги ҳолатини бир зумда аниқлаш мумкин

*Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг расмий веб-сайтида вазирликка юборилган ҳужжатларнинг ижродаги ҳолатини аниқлаш учун махсус функционал ишга туширилди.*

Вазирликка хат билан мурожаат қилган вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар mitc.uz веб-сайтидаги махсус баннернинг устига босади ва тегишли ресурсга йўналтирилади. Шунингдек, вазирликка юборилган хатнинг рақами ва санасини киритганидан сўнг, ҳужжатнинг ижро ҳолати билан боғлиқ барча маълумотга эга бўлади.

### Энг иқтидорли талабалар Хитойда амалиёт ўтайди

*“Huawei” компанияси Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент Ахборот технологиялари университети билан ҳамкорликда “Seeds for the Future” лойиҳаси иштирокчиларини тақдирлади.*

Ушбу лойиҳа мамлакатимизда беш йилдан буён амалга ошириб келинмоқда. ТАТУ талабалари ҳар йили “Huawei” компанияси бош қароргоҳида ўтказиладиган тренингларда қатнашмоқда.

Бу галги лойиҳа иштирокчиларининг энг иқтидорли ўн нафари жорий йил 31 майдан 15 июнга қадар Хитойда стажировка ўтайди. Стажировка давомида талабаларга “Huawei” компаниясининг инновацион технологиялари намойиш этилади. Қолаверса, 5G тармоғини ўрганиш, булутли технологиялар, катта ҳажмдаги маълумотлар бўйича амалий машғулотлар ўтказилади.

**Д. СОДИҚОВ,**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР







«Toshkentikkilamchiqorametall»
масъулияти чекланган жамияти
«Ozmetkombinat» акциядорлик жамиятига қўшиб олиш йўли билан қайта ташкил этилганлигини маълум қилади.
Ушбу ҳолат бўйича талаб ва эътирозлар эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлаб 30 (ўттиз) кун ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади:
*Ўзбекистон Республикаси, 100155, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Жанубий саноат ҳудуди.*
Тел.: 71-258-92-84, 71-258-65-46. E-mail: tashqoramet@mail.ru
423J/293

«LID AGRO SERVICE»
фермер хўжалиги раҳбарияти ўз ихтиёри билан мазкур фермер хўжалиги фаолияти тугатилаётганлигини маълум қилади.
Ушбу эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлаб 60 кун ичида барча таклиф ва эътирозлар юзасидан қуйидаги телефонга мурожаат қилиш мумкин:
93-506-62-15.
*«LID AGRO SERVICE» раҳбарияти.*
422J/291

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 59 385 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — О. Файзиев.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 03.00 Топширилди — 04.00 1 2 3 4 5 6